

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338:6С3 (575.1)

ЮЛДОШЕВ БОБУР САЙДУЛЛА ЎҒЛИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА
ФОЙДАЛАНИШ

70310102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
Иқтисодиёт фанлари доктори,
доц.в.б. Ж.С. Файзуллаев

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

6 - сонли баённома « 20 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: Файзуллаев Ж.С.



имзо

сана

Магистрант: Юлдошев Б.С




имзо

сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “25” 05
№ 2/20 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“ 8 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “26” 05 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

АННОТАЦИЯ

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим шарти инновацион фаолиятни ривожлантириш бўлиб, у барқорор иқтисодий ўсишга замин яратади, ҳудуднинг стратегик мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу диссертацияда иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва фойдаланиш вазифалари, мақсади ва йўналишлари баён этилган. Инновацион лойиҳаларни иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан бошқаришнинг турли моделлари таҳлил қилинган. АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия, Италия, Финляндия, Япония каби мамлакатлар тажрибаси таҳлили амалга оширилган. Ҳар бир мамлакат миқёсида инновацион лойиҳаларнинг қисқача мазмуни, функциялари, асосий устунлик ва камчиликлари келтирилган. Аниқланган муаммоларни ечиш мақсадида иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар, илмий янгиликлар ва хулосалар шакллантирилди ҳамда ҳар бир янгиликка мос хулоса ва таклифлар келтирилди.

***Калит сўзлар:** тармоқлар рақобатбардошлиги, инновацион лойиҳалар, инновацион ривожланиши, лойиҳаларни жорий этиши, иқтисодий ривожланишининг асосий муаммолари, статистик қийматлар, инновацион жараёнлар, иқтисодий ўсиши, инновацион механизм, ташкилий-иқтисодий механизм, корхоналар инновацияси.*

ANNOTATION

An important condition for the economic development of the country is the development of innovative activities, which creates the basis for sustainable economic growth and helps to realize the strategic goals of the region. In this thesis, the tasks, goals and directions of the introduction and use of innovative projects in increasing the competitiveness of economic sectors are described. Various models of state management of innovative projects for the purpose of economic development have been analyzed. The experience of countries such as the USA, Canada, Germany, Austria, France, Great Britain, Italy, Finland, and Japan has been analyzed. A summary of innovation projects, functions, main advantages and disadvantages are given for each country. In order to solve the identified problems, suggestions and recommendations have been developed on the introduction and use of innovative projects to increase the competitiveness of economic sectors. tasks, scientific innovations and conclusions on the introduction of innovative projects to increase the competitiveness of economic sectors were formed, and conclusions and suggestions corresponding to each innovation were presented.

Keywords: *competitiveness of industries, innovative projects, innovative development, implementation of projects, main problems of economic development, statistical values, innovative processes, economic growth, innovative mechanism, organizational-economic mechanism, enterprise innovation.*

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	8
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	8
Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	9
Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	10
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ	12
1.1. Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	12
1.2. Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи.....	25
1.3. Тадқиқот гипотезаси	30
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	41
2.1. Тадқиқот назарий ва методологик асослари	41
2.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	42
2.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	43
III БОБ. ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР	44
Ўзбекистонда фан-технологиялар ва инновация фаолиятини	
3.1. ривожланишининг асосий индикаторлари ва тенденциялари	
таҳлили.....	44
Кичик инновацион тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш	
3.2. асосида инновацион ишланма ва технологиялар трансферини	
ривожлантириш истикболлари	60
Иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда	
3.3. инновацион лойиҳаларни самарали фойдаланиш.....	63
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришмоқдалар.

Жаҳонда инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Бу борада инновация фаолияти инфратузилмаси субъектларини қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар бозорини мақсадли ривожлантиришни самарали бошқариш ҳамда субъектларининг старт-ап лойиҳаларини инвестиция билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш керакки, илмий изланишларда инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришда инновацион кластерни ташкил этиш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни